



e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710

# IJIRSET

International Journal of Innovative Research in  
**SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY**



# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 4, April 2022

**ISSN** INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA

Impact Factor: 8.118



9940 572 462



6381 907 438



ijirset@gmail.com



www.ijirset.com

# Problems of Preparing Students for Professional Education

Qoraev Samaridin Barakaevich<sup>1</sup>, Xusanova Mukaddas Gadaevna<sup>2</sup>

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region, Uzbekistan. <sup>1</sup>

Senior Teacher of the Department " General Pedagogy ", PhD. in Pedagogical Science.

Teacher of school No. 34 of the Kibray district of the Tashkent region<sup>2</sup>. Uzbekistan.<sup>2</sup>

**ABSTRACT:** The article discusses modern ways to improve vocational training of pupils in primary vocational education system, the integration of the vocational training system with economic sectors, as well as the important tasks of vocational training in schools.

**KEYWORDS:** social, economic, reform, system, national, modernization, integration, technology, investment, globalization, state educational standard, syllabus, training program, practical, skills, educational, scientific, production, technology park, informatization, information, cooperation, etc.

## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Қораев Самаридин Баракаевич

Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти

“Умумий педагогика” кафедраси доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Хусанова Муқаддас Гадаевна

Тошкент вилояти Қибрай тамани 34-мактаб ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада бошланғич профессионал таълим тизимида ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришнинг замонавий йўллари, кадрлар тайёрлаш тизимини иқтисодиёт соҳалари билан интеграцияси, касб-хунарга мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш борасидаги муҳим вазифалар ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** ижтимоий, иқтисодий, ислохот, тизим, миллий, модернизация, интеграция, технология, инвестиция, глобаллашув, ДТС, давлат талаблари, амалий, кўникма, малака, ўқув, илмий, ишлаб чиқариш, технопарк, информатизациялашув, ўқув режа, ўқув дастури, ахборот, ҳамкорлик ва бошқалар.

## ПРОБЛЕМЫ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОМУ ОБРАЗОВАНИЮ

КАРАЕВ САМАРИДИН БАРАКАЕВИЧ

Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской области, доцент кафедры “Общая педагогика”, доктор философии по педагогической науке (PhD).

ХУСАНОВА МУКАДДАС ГАДАЕВНА

Учительница школы №34 Кибрайского района Ташкентского области

**Аннотация:** В статье рассматриваются современные пути совершенствования профессиональной подготовки учащихся в системе начального профобразования, интеграция системы профессиональной подготовки с отраслями экономики, а также важные задачи профессиональной подготовки в профессиональных училищах.

**Ключевые слова:** социальный, экономический, реформа, система, национальный, модернизация, интеграция, технология, инвестиция, глобализация, ГОСТ, учебный план, учебная программа, требование, практический, умения, навыки, учебный, научный, производство, технопарк, информатизация, информация, сотрудничество и т.д.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва Давлат талаблари [2] жорий этилди. Меҳнат бозори талабларига мувофиқ рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш

масалаларида таълим турлари орасида интеграцияни ривожлантириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Интеграция бу, малакали мутахассисларни тайёрлашнинг бош омилidir.

Ўзбекистон республикаси президентининг 2019 йил 6-сентябрани “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон фармони умумий ўрта, ўрта махсус ва Олий таълим тизими ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни янада ривожлантиришга дастурил амал бўлиб хизмат қилади. Фармонда белигиланишича “бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларига Халқаро таснифлагич бўйича асосий таълим дастурларидан ташқари қуйи даражадаги таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқи берилади. Тизимда мос равишда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим дастурлари жорий этилган касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлардан иборат профессионал таълим муассасалари тармоғи [1] ташкил этилади”.

Ватанимизга илғор технологиялар ва хориж инвестицияларини кириб келиши натижасидаги глобаллашув жараёнлари меҳнат бозори талабларини тез ўзгарувчанлигига олиб келмоқда. Бундай ҳолларда профессионал таълимнинг илк бўғини касб-хунар мактабларида ўқувчиларини касб-хунарга тайёрлашнинг асосий замон талабларига мос ҳолда фаолият юритиш масаласининг долзарблиги ортади.

Профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларга касб-хунарга тайёрлашни такомиллаштиришнинг замонавий йўлларида бири бу, амалий кўникма ва малакаларни татбиқ этувчи замонавий узлуксиз жараённи ташкил этишдир. Узвий боғланган узлуксиз таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши натижасида касб-хунарга тайёрланаётган ўқувчилар салоҳиятидан ишлаб чиқариш корхоналаридаги иш ўринларини замонавий мутахассислар билан тўлдириш имконияти яратилади.

Жаҳонда глобаллашув жараёнлари натижасида янги касбларни пайдо бўлиши, таълим тизимини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашни такомиллаштиришнинг замонавий йўлларида яна бири бу, амалиётчи ўқувчиларни тайёрлашдир. Бу касб-хунарга тайёрланаётган ўқувчилар салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятини яратади. Шу сабабли, бу тизимда ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, улар орасида интеграция жараёнларини кучайтириш, самарадорлигини ошириш ва меҳнат бозори талаблари асосида ўқувчилар тайёрлашнинг мавжуд таълим йўналишларини иқтисодиётнинг долзарб ва устувор йўналишларига мос йўлга қўйиш талаб этилади.

Жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар ишлаб чиқариш салоҳиятининг тезлик билан ошиб боришини талаб этади. Ишлаб чиқариш корхоналарини мутахассис кадрлар билан таъминлаш ушбу жараённинг узвий босқичи ҳисобланади. Ушбу ҳолатда бирор бир соҳанинг оқсаши жамиятдаги мувозанатга таъсир кўрсатади. Касб-хунар мактабларида ташкил этиладиган машғулотлар ўқувчиларни ишлаб чиқариш тизимлари билан ҳамкорлигини таъминловчи ягона жараён ҳисобланади. Таълим интеграцияси таълим муассасаси ва ишлаб чиқариш тизимлари ўртасидаги узвий ҳамкорликни амалга оширишга хизмат қилади.

Бунинг яна бир қанча шакллари бугунги кунда мавжуд. Ўқув - илмий - ишлаб чиқариш комплекслари касб-хунар мактаби ва ишлаб чиқариш корхонаси, фирма ёки шунга ўхшаш бошқа ташкилотлар билан келишув шартномаси орқали ташкил этилади. Бунда нафақат ишлаб чиқариш фаолияти, балки илмий-тадқиқот фаолиятлари ҳам кўзда тутилади. Ишлаб чиқариш ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган филиаллар ёки таянч кафедралар ҳам халқ таълими ҳамда ишлаб чиқариш тизимлари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишнинг кенг тарқалган шаклларида бири ҳисобланади. Кафедра филиаллари касб-хунар мактабида ўқув-лаборатория базаси мавжуд бўлмаган йўналишлар бўйича самарали фаолият олиб боришни таъминлайди.

Фундаментал илмий-техникавий масалаларни ечиш, илмий ишланмалар ва ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий-муҳандис мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ўқув-илмий марказлари ташкил этилади. Тадқиқот марказлари янги технология ва ускуналарни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этиш, техника ва технологияларни татбиқ этиш мақсадида ташкил қилинади. Бу марказлар таркибига илмий-тадқиқот марказлари, академиялар, олий таълим муассасалари жалб қилинади.

Мақсадли интенсив тайёргарлик - ўқувчиларни иқтидори бўйича танлаб олиш, ўз қобилияти, иқтидори доирасида ривожлантириб бориш тизими бўлиб, бунда ўқувчилардан мақсадли фойдаланиш кўзда тутилади. Тайёргарлик давомида махсус билимларни эгаллаш лозим бўлади.

Ҳозирда Республикамизда фаолиятини бошлаган технопарклар шакли Буюк Британия, АҚШ, Германия, Австралияда кенг қўлланиб келинаётган усул ҳисобланади. Бунда таълим муассасаси лабораториялари базасида илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилади. Унинг биринчи босқичида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, унга ўқувчилар жалб қилинади. Ўқув циклининг биринчи босқичида, улар фақат назарий билимлар олишади. Кейинчалик, ўз билимларини мустақил амалиётларда қўллашади. Олинган билимлар натижасида, техник лабораторияларда илмий натижалар - маҳсулот, технологиялар яратилади. Интеграциянинг ушбу шакли ҳам мамлакатимизга аста-секин кириб келмоқда (Турин политехника университетининг Тошкент филиали).

Мазкур интеграция шакллари ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда қатор афзалликларни таъминлайди: касбий ва амалий кўникмаларга эга бўлган ўқувчиларни тайёрлашда, уларни иш билан таъминлашда вақт унумдорлигига эришилади; унга сарф харажатлар камаяди; таълим муассасасининг ўқув-илмий ва техник-лаборатория базаси мустаҳкамланади; меҳнат бозори, ишлаб чиқариш тизими ва мутахассислар ўртасида рақобат муҳити шаклланади. Натижада ишлаб чиқариш кадрларининг сифати ошиб боради.

Глобал ахборотлашув жараёнлари ҳозирги замоннинг кўринишини ифодалаб бермоқда. Жамият ҳаётининг барча жабҳалари: ижтимоий-иқтисодий тизимлар, техника, таълим, маданият ва экологик жараёнлар ҳам ривожланиб бормоқда. Муттасил ўзгариб бораётган жамиятда инсон ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларга мослашиб бориши, янги билим, технологияларни эгаллаб бориши, ижтимоий фаол ҳамда ҳаракатчан, юксак касбий малакага эга бўлмоғи лозим. Ушбу омиллар инсоннинг жамиятда ўз ўрнини эгаллашини белгилаб беради. Шу ўринда таълимнинг функциялари ўзгариб, жамиятнинг ижтимоий муносабатларига мослашиб, эндиликда иқтисодий тизимлар билан интеграцияга киришади. Интеграция механизм сифатида иқтисодий тизимлар, фан ва техника ютуқлари ҳамда таълимнинг ўзаро муносабатларини ривожлантириш масалаларини ҳал этади.

Кадрлар тайёрлаш тизимини иқтисодиёт соҳалари билан интеграциясини янада такомиллаштириш жараёнлари бугунги кунда бевосита кадрлар тайёрлаш тизими шаклланишига йўл очиб берди. Бу борада касб-хунар мактабларининг касбга тайёрлаш йўналишлари талабга мувофиқ ўзгарувчан шаклга келтирилади. Жумладан, мамлакат иқтисодиётининг реал секторлари ҳамда ижтимоий соҳалардаги таркибий ўзгаришлар, уларнинг кичик мутахассис кадрларга бўлган талабидан келиб чиқиб соҳалар ривожланишининг истиқболлари, кейинги йилларда қабул қилинган ҳудудий дастурларни ҳисобга олган ҳолда айрим касб-хунарлар қайта ихтисослаштирилади, айримларида касблар бўйича тайёрлаш янгидан йўлга қўйилади.

Касб-хунар мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш борасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисобламиз:

- биринчидан, мактаб таълими мазмунини модернизациялаш талаблари асосида касб-хунар мактаблари мазмуни ва технологияси тузилмасида касбий фаолият элементларини белгилаб олиш;
- иккинчидан, касб-хунарга йўналтирилган тайёргарлик босқичлари мазмуни ва технологияси талабларига асосланган ҳолда белгилаб олиш;
- учинчидан, ўқувчиларнинг касб-хунарга тайёргарлиги мазмунини ишлаб чиқишда касбий билим, кўникма ва малакалар ўрни ва таркибини аниқлаш;
- тўртинчидан, касб-хунарга тайёрланаётган ўқувчилар кўникма ва малакасини таъминлашга йўналтирилган мажмуалар мазмунини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талаб этилади.

Мулкчилик шакли ўзгариши ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг тез алмашилиши муносабати билан кадрларга бўлган истиқбол эҳтиёжини белгилаш қийинлашиб бормоқда, бу ўз навбатида касб-хунар мактабларида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини мураккаблаштиришга олиб келиши мумкин. Ҳозирда касб-хунарни эгаллаган мактаб битирувчиларни ишга жойлаштириш масъулияти кимда деган савол туғилади, бу кимнинг зиммасига юкланади. Ҳозирча бу меъёрий ҳужжатларда аниқ ифодасини топмаган. Шу сабабли, ўқувчиларни касб-хунарга мақсадли тайёрлаш жараёни иштирокчиларининг мажбуриятлари аниқ белгиланган амалий механизм яратиш долзарб масалалар.

Касб-хунар мактабларида ўқувчиларни сифатли тайёрлаш учун профессионал таълим классификаторини доимо такомиллаштириб бориш; касб-хунар мактабларига катта мустақиллик бериш; маркетингни йўлга қўйиш; педагог-муҳандисларни махсус маркетинг тайёргарлигидан ўтказиш; амалий кўникмаларни шакллантирувчи методларни ўзгартириш; мустақил ишлар ҳажмини ошириш; касб-хунар мактаби-коллеж-техникум-институт илмий-тадқиқотлар орқали ҳамкорликни кучайтириш; сифат кўрсаткичи системасини ишлаб чиқиш кабиларга алоҳида эътиборни қаратиши лозим.

Касб-хунар мактабларида ўқувчиларни тайёрлаш сифатини ошириш учун уларни сифатли танлаш; касбга қизиқишни уйғотиш; педагогик фаолият сифатини ошириш; машғулотлар жараёнида педагог-муҳандислар, кураторлар ролини ошириш; гуруҳларда ҳамкорлик муҳитини яратиш; ўқитиш натижаларини аниқ ва ҳолисона баҳолашни ташкил этиш; хона ва лабораторияларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш; машғулотлар учун коллежлар ҳамда ташкилотлар билан шартномалар тузиш; улар асосида ўқувчиларни мақсадли тайёрлаш кабиларни эътиборга олиш ҳам муҳим.

Аниқланишича, ҳозирда мактаб ўқувчиларининг билим савияси бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бермайди. Бунинг учун касб-хунар мактаблари ишини юқори даражада йўлга қўйиш лозим. Бу мактаблар учун ўқув режа ва дастурларни яратишда масъул етук мутахассисларни жалб этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу интеграцияни яхши йўлга қўйиш билан касб-хунар мактабларида ўқувчиларни касбга тайёрлашда катта ўзгаришларга эришиш мумкин.

Касб-хунар мактаблари билан коллежларнинг ўзаро ҳамкорлигини турли йўналишларда: машғулот жараёнига малакали мутахассисларни жалб этиш; касбий ва таянч компетенцияни шакллантириш; талаб ва

эҳтиёжларни ҳисобга олиш; педагог-муҳандисларни ўзаро ўқитиш; дарсдан ташқари ўзаро фаолият, ҳамкорлик кабиларни амалга ошириш мумкин.

Бир қатор ижтимоий ҳамкорларни ўз ичига профессионал таълим тизими қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши керак: устивор касбий соҳаларни аниқлай олиш (мавжуд энг яхши далиллар билан); зарурий кўникма ва малакаларни аниқлай олиш (буни аниқлаш воситаларни яратиши) керак; кўникма ва малакалар стандартлар, ўқув режа ва дастурларда ўз аксини топиши керак; тайёрланган стандартлар, ўқув режа ва дастурларни мактабларга етказиш; ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини баҳолаш, мониторинги ва сифат назоратини ўрганиш орқали долзарб ва самарали ахборотларни тақдим этиш.

Касб-ҳунар мактаблари ва коллежлар ўртасидаги асосий ҳамкорлик махсус касбий малакалар ўзлаштириш ва ривожлантиришга жалб этилган машғулотларга қаратилиши, шунингдек, ўқувчиларнинг иш билан таъминланиш имкониятини оширувчи асосий малакаларни кенг ўзлаштиришда кўмаклашиши, амалий билим беришга жалб этилиши керак.

Коллежлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш учун касб-ҳунар мактаблари ўз вақтида мажбуриятларини тақсимлаши керак ҳамда ушбу ҳамкорликдан оладиган ўзаро манфаатларини аниқ тушунишлари керак. Ушбу алоқа тармоғининг аъзоси ёки таъминловчисини ўрнатиш ҳамкорлигининг самарали ва мустаҳкам ривожлантириш омили ҳисобланади[6].

Касб-ҳунар мактаблари коллежлар билан алоқа тармоғида бир қатор ишлар қилишлари керак, жумладан: етакчилик қилиш ва энг яхши тажрибани қўллаш; кўрсаткичлар, ҳажм ва тезликни иқтисод қилишга эришиш; янги ҳудудда ёки янги ғоя устида ишлаётган барча ҳамкорларнинг иккиланишига ва ёлғизланишига йўл қўймаслик; кенг жамоатчилик доирасида ҳамкорлигининг моҳиятини ёйиш; жамиятни яхши томонга ўзгартириш учун бир овоздан ҳаракат қилиш; миллий, ҳудудий ва маҳаллий миқёслардаги малакаларга тенг жавобгар бўлиш[5].

Касбий тайёргарлик борасида қайси касбий йўналишлар ўзгариши мумкин, уларнинг камайиши ёки кўпайиши миқдори ўзгаришини аниқлаш, у ерда раҳбарият ходимлари ёки мутахассислар сони кўпайиши даражаси ҳисобга олиш керак. Таҳлил қилиш учун мавжуд касблар таснифлагичига асослаш, ўзгаришлар нимадан иборатлигини билиш, ҳозирги вақтда талаб қилинадиган малакаларни аниқлаш, уларни келажақда талаб қилинадиган малакалар билан солиштириш лозим.

Ўқув жараёнини қуйидагича амалга ошириш зарур: меҳнат бозорида зарур бўлган касбий малака ошириш курсларини ташкил этиш; машғулотларга малакали мутахассисларни жалб қилиш; коллежлар қошида амалий машғулотларни ўтказиш; талабларга мувофиқ йўналтирилган дастурлар асосида машғулот жараёнини ташкил қилиш; васийлик кенгашларини ташкил этиш; маълумотларни янгиллаб бориш, ўқув режа ва дастурларни касбга тайёрлаш талабларига мослаштириш; қисқа муддатли тренингларни уюштириш, курслар ташкил этиш.

Касблар тўғрисида ахборот беришда: мавжуд касбларга талаб ва таъминот борасида маълумотларни йиғиш, жамлаш ва тарғибот қилиш, яқин келажақда талабда бўладиган касбларни аниқлаш керак[7].

Ахборот таҳлилида эса: ўқувчиларнинг тайёргарлигини баҳолаш; машғулот режаларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш; манфаатдор томонларини жалб этишда таҳлил ишларини ўтказиш; кенг касбий билимлар борасида жамоат билан бошланғич дастур ҳаракатларини олиб бориш; педагог-муҳандисларнинг дарс жараёнларини мониторинг қилиш, баҳолаш лозим.

Президентимиз томонидан қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги [3] қонун эртанги кунимизнинг ишончи бўлмиш ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда юксак билимли ва малакали кадрлар этиб тарбиялаш жараёнини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги самарали ишларга дастуриламал бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини, авваламбор, мактаб ўқувчиларини иш билан таъминлаш масаласи бўйича янги тизим жорий этиш лозим.

Ўзбекистонда ёшлар, яъни 30 ёшгача бўлганлар сони аҳолининг 60 фоиздан ортигини ташкил этади. Бу, бир томондан, давлатимиз зиммасига улкан масъулият юкласа, иккинчи томондан, катта имкониятлар эшигини ҳам очади. Мамлакатимиз аҳолиси ҳар йили салкам ярим миллионга кўпаяётганини, меҳнат бозорига ҳам йилига шунча янги ишчи кучи кириб келаётганини ҳисобга олсак, бу борадаги вазифалар қўламини тасаввур қилиш қийин эмас[8].

Шу маънода ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш каби масалаларга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда[4]. Тегишли дастурлар асосида яратилаётган янги иш ўринларининг катта қисми битирувчилар учун квоталаниб қўйилаётгани ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Шуниси қувонарлики, ёшларимиз орасида келажагини кичик бизнесда кўраётганлар сафи йилдан-йилга кўпайиб бораёпти. Бу борада манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган бизнес ғоялар танловларининг ғолибларига ажратилаётган имтиёзли кредитлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда бу бўйича жуда кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларда белгиланган вазифалар ижроси қатъий назоратга олинмоқда.

Касбларни кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириш давом этади. Бунда сўнгги йилларда ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш таҳлили, меҳнат бозорининг жадал ўзгараётгани ҳисобга олиниб, ўқувчиларни иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган касб-хунаrlарга тайёрлаш белгиланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон республикаси президентининг 2019 йил 6-сентябргаи “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунаrl таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли фармони.
4. Barakaevich, K. S. (2020). Improvement of Vocational Training of Pupils in Secondary Schools. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(1).
5. Qoraev, S. (2016). Specific features of interdisciplinary coherence and interoperability. “Education, Science and Innovation,” 2 (2), 45-50.
6. Қораев, С. (2016). Фанлараро узвийлик ва узаро алоқани таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари. “Таълим, фан ва инновация”, 2(2), 45- 50.
7. Elmurzaeva, N. K., & Qorayev, S. B. (2021). Pedagogical Requirements for the Organization of the Educational Process in Specialized State Educational Institutions. *Psychology and Education Journal*, 58(1), 1078-1084.
8. Қораев, С. Б. (2020). Профессионал таълимда ўқув амалиётларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 1281-1286.
9. Barakayevich, Q. S., & Baxtiyorovna, A. S. (2021). Xalqaro dastur talabalari asosida innovatsion ta'lim muhitini yaratish. Integration of science, education and practice. scientific-methodical journal, 1(02), 132-137.
10. Adbujalilova, S. A., & Koraev, S. B. (2020). Талабалар илмий дунёкарашини шакллантиришда педагогик технологияларнинг ўрни. *Academic research in educational sciences*, (4).
11. Караев, С. Б. (2018). Современные пути совершенствования учебнопроизводственных комплексов, специализированных на профессиональной подготовке учащихся. In *Психология и педагогика на современном этапе* (pp. 30-36).
12. Қораев, С. Б., & Жолдасов, И. С. (2021). Касб-хунаrl мактаблари фаолиятини амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш орқали такомиллаштириш масалалари. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
13. Tilakova, M., & Qoraev, S. (2020). Recommendations for students 'creative ability development. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (4), 184-189.
14. Abdujalilova, S. A., & Qorayev, S. B. (2020). The Role Of Pedagogical Technologies In The Formation Of Students' Scientific Outlook. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(03), 2020.
15. Тилакова, М., & Қораев, С. (2020). Ўқувчилар креативлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича тавсиялар. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (4), 184-189.
16. Қораев, С. Б. (2016). Фанларни ўқитишда табақалаштирилган таълим технологиясини жорий этиш масалалари. *Таълим технологиялари*, 2, 45-50.
17. Qorayev, S. B., & Janbayeva, M. S. (2021). Boshlang'ich sinf o'qish darslarida sinfdan tashqari ishlarni tashkil etish. *academic research in educational sciences*, 2(4), 149-153.
18. Qorayev, S. B., & Allayorova, S. B. (2021). Boshlang'ich sinf o'quvchilarini pirls xalqaro baholash dasturi tizimiga tayyorlash jarayonini takomillashtirish masalalari. *Academic research in educational sciences*, 2(2), 443-448.
19. Қораев, С. Б. (2018). Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этишнинг долзарблиги. *Таълим, фан ва инновация* , 4, 28-31.
20. Мухамедов, Г. И., & Қораев, С. Б. (2019). Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуа машғулотларини олиб боришда педагогмухандисларнинг касбий функцияларини ошириш тамойиллари. *Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў*, 2, 71-74.
21. Қораев, С. Б. (2020). Профессионал таълимда ўқувчиларни касб-хунаrlга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш йўллари. *Ўзлуксиз таълим*, 1, 88-92.
22. Қораев, С. Б. (2021). Профессионал таълимда касбий амалий машғулотлар мазмуни ва уни такомиллаштириш йўллари. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 1573-1581.
23. Курбонова, М., & Қораев, С. (2020). Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш. *Academic Research in Educational Sciences*, 1(4), 795-801.



24. Qorayev, S. B., & Janbayeva, M. S. (2021). Boshlang'ich sinflarda sinfdan tashqari ishlarni tashkil etishning zamonaviy tamoyillarI. Academic research in educational sciences 2(CSPI conference 1), 1492-1496.
25. Janbayeva, M. S. & Qorayev, S. B. (2021). Modern principles of organization of extracurricular activities in primary schools. Экономика и социум, 5-2, 837-843.
26. Адбужалилова, Ш. А. (2020). Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда педагогик технологияларнинг ўрни. Academic Research in Educational Sciences, 1(4), 813-823.
27. Abdujalilova, S., Koraev, S. B. (2020). Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда педагогик технологияларнинг ўрни. Academic Research in Educational Sciences, 1(4), 813-823.



INNO  SPACE  
SJIF Scientific Journal Impact Factor  
Impact Factor: 8.118



ISSN  INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA



# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

 9940 572 462  6381 907 438  [ijirset@gmail.com](mailto:ijirset@gmail.com)



[www.ijirset.com](http://www.ijirset.com)

Scan to save the contact details